Давлат китоб палатаси
№ 24496

"МАРКАЗИЙ ОСИЁ-АГРОФУД -97" КЎРГАЗМАСИ

Мамлакатимизнинг бош кўргазмалар мажмуи -"Ўзэкспомарказ"да келаси ҳафтада "Марказий Осиё-Агрофуд-97" иккинчи халқаро Тошкент кўргазмаси очилади. Ихтисослаштирилган кўргазмадан мақсад ўзбек мутахассисларини жаҳон қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати замонавий ускуналари ва технологиялари билан яқиндан таништириш, шунингдек, ўзаро амалий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришдан иборат. Кўргазмада жаҳондаги 25 давлатдан 100 дан ортиқ фирма иштирок этади.

Алишер РЎЗИЕВ.

ЯНГИ БИНОДА ЎҚИШМОҚДА

Бутун мамлакатимизда бўлаётганидек, Бухоро вилояти туманларида ҳам кенг кўкламда қурилиш ишлари бормоқда. Вобкентдаги иқтидорли болалар лицейи жамоаси янги бинога кўчиб ўтди. 320 ўқувчига мўлжалланган билим масканини "Ўзжамхўжқурилиш" I-трестининг 201- хўжаликлараро кўчма механизациялашган жамланмаси бунёдкорлари қуриб беришди.

Даврон БАҲРОНОВ.

МАДАДКОР СЕЯЛКА

"Агромашсервис" ҳиссадорлик жамияти раиси Ф.Ашуров Қарши тажриба-таъмирлаш механика корхонаси бош муҳандиси М.Ёқубов ҳамда агроиқтисодиёт институти доценти С.Алиқуловлар ҳамкорликда такомиллашган сеялка яратдилар. Бундай ускуна билан чигит плёнка остига олиниб, маълум чуқурликка ташланиб, қўш қаторлаб экилади. Шунингдек, сеялка қатор ораларини 90 ёки 60 сантиметр қилади. Унинг кажавасига 100 килограммгача чигит сиғади.

Юнус УЗОҚОВ.

XXI АСР ТИББИЁТЧИЛАРИ

Пойтахтдаги "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида эртага ана шу мавзуда халқаро анжуман ўз ишини бошлайди. Олий тиббий таълим ва соғлиқни сақлаш ислоҳотларига бағишланган мазкур нуфузли анжуманда МДҲ давлатлари соғлиқни сақлаш вазирлари, тиббиёт институтлари ректорлари, АҚШ университетлари ва тиббиёт коллежлари раҳбарлари ҳамда етакчи олимлар қатнашадилар.

Алишер ЖЎРАЕВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 19 апрель, шанба № 47 (22.131).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

КОРХОНА ИШГА ТУШДИ

АНДИЖОН. «Андижон» агрофирмасининг бош корхонаси — консерва заводи асосида «Ўзангло» Ўзбекистон—Англия қўшма корхонаси очилди. Бу ерда мева-сабзавотларни қайта ишлаш ва консервалаш, маҳсулотларни эса жаҳон андозаларига мослаб ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Отабек ХУДОЙҚУЛОВ.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ *Албаниянинг Дуррес портига Италиядан инсонпарварлик ёрдами маҳсулотлари, яъни 400 тоннага яқин буғдой уни ва ўсимлик ёғи келтирилди.*

* * *

☑ *АҚШда жаҳонда биринчи марта «Янгиликлар музейи» очиляпти. Унда дунё журналистикасининг кечаси ва эртаси акс этган бўлади.*

* * *

☑ *Россия ташқи ишлар вазири Евгений Примаков НАТО Бош котиби Хавьер Солана билан шу йилнинг май ойида навбатдаги бешинчи учрашувни ўтказади.*

* * *

☑ *Сочи шаҳрида Россия Президенти Борис Ельциннинг дам олишга келишига тайёргарлик кўрилмоқда.*

* * *

☑ *Теҳронда тожикларо музокараларнинг навбатдаги учрашуви қайтадан бошланди.*

* * *

☑ *Португалияда юз берган ёнғин туфайли 12 киши ҳалок бўлди.*

* * *

☑ *Россиянинг Приморье ўлкаси энергетикларидан бир гуруҳи, агар уларга январь ойи маоши берилмаса, очлик эълон қилишларини айтишди.*

* * *

☑ *Эстония Бош вазири Март Симанн «Эстония Россия билан чегара ҳақидаги шартномани имзолашга тайёр», деди.*

* * *

☑ *1980 йилга нисбатан Россияда наркотиклар билан боғлиқ бўлган жиноятлар сони ўн бараварга кўпайган.*

* * *

☑ *Хитойнинг шимолий-ғарбий қисмида ўтган куни кучли ер қимирлаши юз берди.*

* * *

☑ *Саудия Арабистонининг Макка шаҳрига ҳаж сафарига келган 200 нафар киши бу ерда юз берган ёнғин туфайли ҳалок бўлди.*

* * *

☑ *Москва шаҳри ҳокими Ю. Лужков Халқаро Олимпия қўмитаси билан 1998 йилда Москвада Бутун жаҳон ёшлар ўйинларини ўтказиш ҳақидаги битимни имзолади.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноблари,

Қурбон ҳайити байрами муносабати билан Ўзбекистон халқига Америка халқи номидан энг яхши истакларни йўллаётганимдан бахтиёрман. Шу муқаддас Қурбон ҳайити кунида Сиз билан биргга келажагимиз тинч, эркин ва фаровон бўлишини умид қиламан.

Самимий ҳурмат билан,

Билл КЛИНТОН,
АҚШ Президенти.

ҲАМКОРЛИК КЕНГАЯДИ

КИЕВ. 18 апрель. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов бугун Украина парламенти раиси А. Мороз билан учрашди. Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасида ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Шу куни Ўзбекистон билан Украина ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик бўйича қўшма комиссиянинг якуний йиғилиши бўлиб ўтди. Сўнг икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қиладиган ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди.

Маросимдан сўнг Ўзбекистон ва Украина Бош вазирлари Ў. Султонов, П. Лазаренко журналистлар билан учрашиб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

ЎЗБЕКИСТОН — ГУЛЛАР ОҒУШИДА. Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат.

Партия ахбороти

АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Шу йил 17 апрель куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Вьетнам Социалистик Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Нгуен Чи Куанг, унинг илтимосига мувофиқ, қабул қилинди.

Марказий Кенгаш биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов партия фаолияти, ХДП ташкилотларининг Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов бошчилигида мамлакатимизда амалга оширилаётган, ислоҳотларни рўёбга чиқаришдаги иштироки тўғрисида сўзлаб берди.

Вьетнам элчиси ўз мамлакати ҳаётининг турли соҳалардаги катта ютуқлар, ВСР ҳукуматининг Вьетнам ва мустақил Ўзбекистон ўртасидаги дўстона муносабатларни янада ривожлантиришга қаратилган тадбирлари ҳақида гапирди. Меҳмон Марказий Кенгаш раҳбариятига илиқ қабул ва Вьетнам халқига билдирилган эзгу истаклар учун миннатдорчилик билдирди.

Бўлиб ўтган учрашувда Ўзбекистон ХДП МК котиби Ҳ. Авезов иштирок этди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати.

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси 1997 йил 24 апрель куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 23 апрель куни соат 9 дан 18 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ФРАКЦИЯЛАРИ ВА ҲОКИМИЯТ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИДАН САЙЛАНГАН ДЕПУТАТЛАР БЛОКИ ТАРКИБИГА КИРУВЧИ ОЛИЙ МАЖЛИС ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши ХДП Марказий Кенгашининг Мажлислар залида бўлиб ўтади. Ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блоки ҳамда «Адолат» социал-демократик партиясининг фракцияси Олий Мажлисда йиғилади. «Ватан тараққиёти» партияси фракциясининг йиғилиши шу партия Марказий Кенгашининг Мажлислар залида ўтказилади.

Депутатлар партия фракцияларининг ҳамда блокининг йиғилишлари 23 апрель куни соат 11.00 да ўтказилади.

АРЗОН ПАЛОСЛАР

ХОРАЗМ. Янгиариқ туманидаги «Исломбек» хусусий фирмасида қўй жунидан арзон ва сифатли палослар тайёрлаш йўлга қўйилди. Аҳолидан харид қилинаётган хом-ашё қайта ишланиб, ранг берилмоқда. Афзаллиги шундаки, 6 квадрат метр ҳажмдаги палоснинг нархи 1000 сўм атрофида, иссиқ ва чидамли. Фирма соҳиби Қувонч Каримовнинг фикрича аҳолида тўпланиб қолган қўй жунидан фойдаланиш ўзига хос иқтисодий самара бераркан. Маҳсулот намуналари халқ хунармандлари республика кўргазмасига тавсия қилингани ҳам бежиз эмас.

Рўзимбой ҲАСАН.

КАМАРБАСТА «ДАМАС»ЛАР

НАВОИЙ. Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан соғлиқни сақлаш муассасаларига 10 та «Дамас» русумли «Тез ёрдам» машиналари бепул берилди. Яқинда ана шу машиналарни топшириш маросими бўлиб ўтди. Маросимда иштирок этган вилоят ҳокими, Олий Мажлис депутати Ҳаёт Ғаффоров машиналарнинг калитиларини топширар экан, йил охиригача ана шундай машиналардан яна 50 таси соғлиқни сақлаш муассасаларига берилишини таъкидлади. Хайрия ташаббусидан кўриниб турибдики, вилоятда Инсон манфаатлари йили ўз инъикосини топмоқда.

Музаффар ШАРОПОВ.

«МОТОРОЛЛА» — ЎЗБЕКИСТОНДА

ТОШКЕНТ. Мамлакатимиздаги иқтисодий ислоҳотлар, жаҳон ҳамжамиятининг Ўзбекистонга бўлган қизиқиши ортаётганлиги телекоммуникация соҳаси ривожининг юксак суръатларини белгиламоқда. Шу жиҳатдан олганда яқинда қувончли воқеа рўй берди. Апрель ойидан бошлаб телекоммуникация соҳасида жаҳоннинг энг йирик «Моторолла»

Иқтисодиёт олами

компанияси ўз расмий вакили «Интермикро» фирмаси орқали Ўзбекистон бозорида иш бошлади.

«Моторолла» компанияси Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш мақсадида давлат идораларига вақтинчалик фойдаланиш учун транк алоқаси воситаси — сайтни етказиб берди. У мамлакатимиз учун махсус тайёрланган бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнига олти ой, тестдан ўтказишга эса қарийб икки ой кетган.

(Ўз мухбиримиз).

СОПОЛ ПИЁЛА, ЭСКИ АРАВА... ВА УМИДВОР ЧОРШАНБИЕВ

Сурхондарёда 120 га яқин саноат корхонаси ишлаб турибди. 1996 йилда шундан 33 корхона маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини камайтириб юборди.

Ана шундай замона зайлидан ғофил корхоналардан бири Шерободдаги «Кулол» ҳиссадорлик жамиятидир.

Шерободнинг бозорида бир тижоратчи Хитойданми келтирилган чинни пиёланинг донасини харидорга 120 сўмдан таклиф қилиб ўтирипти.

Нафақат Шеробод, бошқа туманларнинг дўконларида ва айниқса кўпгина қишлоқ дўконларида пиёла... йўқ.

«Кулол» ҳиссадорлик жамиятининг бу танқисликка муносабатини кўринг: жамият 1997 йилнинг январь ойида 156 дона, февраль ойида бўлса 108 дона пиёла ишлаб чиқарди. Яна, чинни эмас, сопол пиёла.

Жамият, ташкил топганига мана, йигирма йил тўлибдики, кулолчиликдан бошқасини билмайди, деб унинг раҳбарларига таъна тошини отмоқчи эмасмиз. Шеробод кулолчилиги бир замонлар тилга тушди. Шуҳрат топди. Истеъмолчининг дидига мос маҳсулотлар ишлаб чиқарди.

Бугунги кунда бўлса... Жамиятнинг бош буғалтири Мирза Нормуродовнинг қоғозга қараб гапиришига кўра, корхона заҳирасида 833830 сўмлик (1 мартгача бўлган қолдиқ) маҳсулот бор. Демак, бекор ўтиришганлари йўқ. Ишлаяптилар. Пиёла бўлмаса,коса, тувак ишлаб чиқараяптилар.

Лекин, тўғрисидан келиб гапирганда, ўша 833830 сўмлик маҳсулот кўрсаткичини, омборлари молдан тўлиброқ турганини тадбиркорликдан эмас, ишлари юришмай қолганидан, молларига харидор камайиб кетаётганидан нишона деб билмоқ керак.

Технология — эски. Бугуннинг талабига, истеъмолчининг дидига муносабат ўзгармаган. Изланиш сезилмайди. Ишчи ўринлари тенг ярмига камайиб кетган. Дебитор ва кредитор ҳисоб - китобларидан шамол эсиб қолган. Энди гапнинг мавриди келганда сурхондарёликларнинг, шерободлик кулолчилар чинни буюмлар ишлаб чиқаришга ўтишса бўлмасмикин, деган бундан ўн - ўн беш йил муқаддам айтган истакларини яна такрорлашга тўғри келади.

Биламан, бу жамоа илгари бадиий керамика буюмлари заводи деб аталарди. Заводнинг Абдиҳолиқ Ортиқов деган директори бор эди.

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Ортиқов минг елиб-югуриб чинни пиширадиган жараён учун иморат қурдирди. Бироқ ускуналарни олиб келиш чўзилгандан чўзилаверди.

Директор алмашди.

Йигирма йилдан бери кулолчилик цехи бошлиғи бўлиб ишлаётган Зиёқул Чоршанбиевнинг афсуснадоматлар билан эслашича, ўша томлари ёпилган иморат 10 йилча қаровсиз қолди. Ҳатто, бошқа бир жамоанинг ҳисобига ўтиб кетди.

—Ана энди бўлса иморат ҳам, ускуна ҳам...чинни ҳам йўқ, — дейди Чоршанбиев. — Ўтирибмиз узоқ йўлга эски арава миниб чиққан одамларга ўхшаб.

— Умид-чи? Умид ҳам йўқми, — деб сўрайман Чоршанбиевдан.

— Ҳаракатга боғлиқ, — дейди уста кўзларини пирпиратиб. — Одамлар автомобиль ишлаб чиқараяпти деб бошқаларнинг ишига фақат маҳлиё бўлиб ўтирмасдан ишласак, боши осмон бўптими чинни пиширишнинг...Шундай дейману, бор-йўғи мен бир цехнинг бошлиғиман-да, мухбир ака.

Чоршанбиевнинг кўзлари яна пирпираб кетди. Араваси эски одамнинг дадил гапиришга ҳам ийманиши менга нотабиий кўринмади...

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОТА МАКОН ВА КЎЗ ЁШЛАР

ҚАБРИМ ЎЗГА ЮРТДА ҚОЛАДИМИ?

У қаттиқ севиб қолди. Севса арзийдиган йигит. Бўй басти келишган, қуркам. Билими, дунёқараши, хулқ-атвори билан ҳар қандай қизнинг дилига йўл топа олади. Ҳаётда узини тутиши, одамлар билан муомаласидан сезиладики, яхши оиланинг фарзанди. Касби, мартабаси, топиштутиши жойида. Унга турмушга чиққан қиз бахтли яшаши мумкин. Аммо... Қиз тўйга розилик беришга юраги дов бермасди. Бунга қизнинг ота-онаси норозилиги сабабмас. Йигит уйига касбдошлари, казо-казо кишилардан иборат совчилар жўнатди. Иш битмади. Қизнинг устозлари, дўстлари, уни ҳурмат қилган, эъзозлаган барча ёр-биродарлари бу никоҳга хайрихоҳ эдилар. Қизга маслаҳатлар беришди. Кўндиришга ҳаракат қилишди. Бўлмади. Нега? Сабаби йигит хорижлик эди. Узбекистонга келиб иш бошлаганига мана беш йиллан ошди. Яхши бир мутахассислик эгаси бўлган бу йигит ишчанлиги, жамоада тартиб-интизоми, яхши фазилатлари билан ҳурмат қозонди. Узбекистон юрти, халқи ҳам йигитга жуда ёқиб қолган. У хизмат юзасидан бир неча мамлакатларда бўлган ва яна бориб ишлаши мумкин эди. Лекин йигитнинг ота-онаси бошқа юртлик бўлишига қарамасдан, Узбекистонда яшаб қолиш истаги бор. Чунки, бу ерда бир қанча дўстлар орттирди. Энг асосийси, у бу ерда муҳаббатини топган эди. Сўнгги суҳбат. Ҳаммасини ўша суҳбат ҳал қилди. Йигит билан қизнинг муҳаббатига, орзу-умидларига, гўзал туйғуларига якун ясади.

— Турмуш қурганимиздан кейин қаерда яшаймиз.

— Узбекистонда. Сизнинг юртингизда.

— Йигит киши туғилиб ўсган жойидан йироқда, хотининнинг юртида қандай яшаши мумкин.

— Бу пешонангизга қаерда яшаш ёзилганлигига, тақдирингизга боғлиқ. Менинг Ўзбекистонда яшашим юртимдан, ота-онамдан воз кечиш эмас. Мен вақт-имкон топдим қадар уларни зиёрат қиламан.

— Агар имконият топмасангиз-чи?

— Бу Оллоҳнинг ҳукмига ҳавола. (Йигит қизнинг кўзларида нотинчлик кўрди.)

— Нега бунчалик хавотирланасиз. Менга, севгимга ишонмайсизми?

— Гап унда эмас. Мени миллат масаласи, Ватан масаласи қийнайди...

— Ахир, қурмаяпсизми? Мамлакатингиз дунёга чиқаяпти. Турли халқлар билан узаро дўстлик алоқаларини ўрнатаяпти. Энди барча халқлар бир-бирлари билан борди-келди қилишга, чет элларда яшашга, ишлашга имкониятлар яратиляпти. Чет эллик йигитларга турмушга чиқаётган қизлар, турли миллат кишиларининг бир-бирлари билан қуда-анда бўлаётганлари қанча. Наҳотки, улар ҳам сиз каби шунчалар изтироб чеккан бўлсалар?

— Сиз эр кишисиз. Бир кун келиб ўз юртингизга қайтасиз. Табиийки, эр қаерда бўлса, унинг оиласи — хотини, фарзандлари ҳам шу ерда бўлиши керак. Вақти келиб шу ҳол юз берса... Хуллас мен ўзга юртда қабрим қолиб кетишини истамайман.

Йигит жим қолди. У фаросатли эди. Ҳамма гапга тушунди. Йигит қиз билан хайрлашди. У кетиб борарди. Қиз орқасидан қараб қолди. Кўзларига ёш тўлди. Шу дақиқаларда муҳаббатидан айрилди. Муҳаббатидан айрилди-ю, Ватани ёнига қолди. Ватанни муҳаббатидан устун қўйди. У ҳеч қачон бугунгидек Ватан ҳақида ўйлаб кўрмаган ва қайгурмаганди.

МУАЛЛИМГА ХАТ

Юнус Иброҳимов кўчаси, 7-уй, Амина опага

...Қадрдон Устоз. Мана йигирма йиллардан ошди, қишлоғимдан йироқда, мусофир юртларда яшаяпман. Ўша йигирма йиллар ичида сизнинг бир гапингиз ҳар замонда эсимга тушиб туради. «Бир кун келиб, қишлоғингизни тарк этарсиз. Юрт ҳақида беписанд фикрга борган қайси бир ўқувчим бўлсин, ҳеч қачон кечирмаган бўлардим». Эшитишимча бу гапни сиз бизгача ва биздан кейинги ўқувчиларингизга ҳам кўп маротаба такрорлаган экансиз.

Азиз Устоз. Мен сизни англадим. Бу билан сиз ҳамиша бизга Ватанни эслатиб турмоқчи бўлгансиз.

Яқинда қишлоққа бордим. Уҳ-ҳу, қанча ўзгаришлар рўй берган. Маҳаллалар, қишлоқлар, туманимиз бунчалик кенгайиб кетмаса. Жуда кўп иморатлар қуриб ташланибди. Бу ерларни Орол фожиасидан азият чекаётган одамларнинг юрти деб айтиш қийин. Табиатнинг бешафқатлиги Ватанни шунчалар қадрли этдими, ёки. Ушбу қурилган, бир-биридан ажойиб, данғиллама уйлар келажакка умид билан боқаётган элнинг ўз юртида собит қолиши белгиси эмасми?

Ватан бир. У хоҳ тиконзор, чўл-биёбон бўлсин. Сенинг гўшанг, қай бир гўзал чет элларда яшама, қай жаннатмакон юртларни кезма сен учун болалигинг ўтган чанг-тўзонли кўчаларга арзимайди. Уни севиш Яратганнинг иноятидир. Хавотирингиз беҳуда, Муаллим.

САНКТ-ПЕТЕРБУРГЛИК ЎЗБЕК

Ёқуб ака Санкт-Петербург фуқароси. Шу юртга ўқишга келиб, яшаб қолган. Оила қурган. Фарзандлари бор. Касби иқтисодчи. У бугун Узбекистонга (ота юртига) хизмат юзасидан келган. Ёқуб акани уйимизга биринчи марта меҳмонга чақирганимизни эсласам, ҳали-ҳали кулиб қўяман. Роса тайёргарлик кўрдик, ўшанда. Тайёргарлик деганим, дастурхонни тўлдириш маъносида эмас. «Урис юртдан келган меҳмон»ни ўзимизча жуда маданиятли кутиб олмоқчи бўлдик. Ҳамма нарса, яъни дастурхонга қўйиладиган «салфетка»нинг оқлиги, «рюмка-фужер»ларнинг ялтираши,ликопча, санчқи қошиқларнинг ўрни-ўрнига қўйиш каби қоидаларга амал қилишга уриндик.

Ёқуб ака ширинсухан, яхши суҳбатдош киши экан. Дунёқараши кенг, ўта саводхон эканлиги гапларидан сезилади. Аммо у кишининг ҳаёт ҳақидаги фалсафаси бизларникидан тамоман фарқ қиларди.

— Ёқуб ака, қачонлардир Узбекистонга қайтиш ниятингиз йўқми?

— Билмадим. Бу ҳақда бир фикрга келганим йўқ. Узбекистонга қайтганим билан бу ерда яшашга ҳеч қуниколмасам керак.

Ёқуб ака ўз фикрларини ўта сиполик, умумий мулоҳазалар атрофида тушунтирарди. Унинг гапларини тушунишга ҳар қанча уринсам-да, барибир тушунолмасдим. Балки бунга менинг Ватандан ўзга юртда яшаб, ўзга турмуш тарзини бошимдан кечирмаганим сабабдир. Мен учун Ватан бир. Унда кечаётган ҳар қанча оғир, енгил ҳаётимни ўзгача ҳаёт билан таққослаб кўрмаганим ва бошқа ўзга ҳаётни тасаввур қилолмаганим боис ҳам Ёқуб аканинг гапларини ҳечам ҳазм қилолмасдим. Мендаги кайфиятни Ёқуб ака жуда яхши пайқаб турарди.

— Киши ўз қобиғига ўралиб қолмаслиги керак. Тор тушунчалар билан ҳаётга баҳо бериб бўлмайди.

Ёқуб ака билан суҳбатлашиш учун негадир ўз фикримда туриб олар, баҳсни давом эттирардим. Ва бу баҳсда барибир мен ютиб чиқишимга дилимнинг туб-тубида бир ишонч бор эди. Шунда мен у кишидан устунлик жиҳатимни сезиб қолдим. Яратгандан инсонга ақлидрок, закийлик билан бирга меҳр-муҳаббат, орият, имон-эътиқод хислатлари ато этилган. Мен Ватанда яшаяпман. Ундан ўзга юртда яшашни хаёлимга ҳам келтиролмайман. Демак менда Ёқуб акага нисбатан Ватанимга бўлган меҳр-муҳаббат, садоқат ҳисси устун туради.

— Сиз аввало ўзбексиз. Узбекчиликда биласиз, ота-она, ака-ука, жигарбандлик, қариндош-уруғ жуда қадрланади. Ота-боболар урф-одатлари, авлодлар давомийлиги, оила шаъни тушунчалари жуда улуғ саналади. Болалигингиз ўтган қишлоғингизни қўмсайсиз. Жигарларингиз дийдорига зориқасиз.

— ...

— Кечирасиз дилингизни оғритган бўлсам. Сиз Узбекистонга қайтсангиз, оилангизни узбекчага ўргатиб, фарзандларингизни ҳам ўзбек мактабларига берсангиз яхши бўларди. (Жуда қаттиқ ҳукм уқиб юбормадимми? Минг андишага борсам-да дилимдаги гаплар, тилимга чиқиб кетди).

— Санкт-Петербург мактабларини Тошкент мактабларига алмаштирсам фарзандларим катта бўлишиб, бу қилган ишим учун мени кечиришармикан?

Ёқуб ака билан бўлиб ўтган суҳбатдан кейин мана орадан бир йил ўтди. Ёқуб ака ҳа, деганда Санкт-Петербургга қайтавермади. У иқтисодий лойиҳалар билан келган, қўшма корхоналар яратиш, заводлар сотиб олиш каби йирик иқтисодий режалари бор эди. Аввалига иш битмаяпти баҳонасида юрди. Ҳозир эса ҳаммаси йўлга тушиб кетган. Катта ишларни бошлаб юборган. Санкт-Петербургга қайтишни эса хаёлигаям келтирмаяпти. Мен ўша баҳсда ғолиб чиққанлигимга ичичимдан яна бир карра ишонч ҳосил қилдим.

ҚИЗ БЕКОРГА ЙИҒЛАМАС

...Узбекнинг боласини Ватанни севишга ўргатиш учун китоблардан жимжимадор сўзларни уқиб бериш, баландпарвоз гапларни айтишга ҳожат йўқ. Узбекнинг боласи Ватанни ҳали бешикдалигидаёқ сева бошлайди. Бешик — ҳали дунёни англаб етмаган, беғубор, мурғак юракка Ватан ҳиссиётини беради. Бешикка урганган болани бошқа жойга ётқизишга уриниб кўринг — ороми бузилади, безовта бўлади. Бешикда бола тинчлик топади, хотиржам ухлайди. Ватан инсонга шунинг учун берилган эмасми?

...Узбекнинг боласига Ватанни ўргатманг. У Ватанни аввало ўз хонадонида, маҳалласида, ўз мактабида кўради. Яшаш учун бошқа жойга кўчаётган хонадонда бир кун катта тўполон. Маҳалласидан, кўчадаги ўртоқларидан йироқлашган болалар ота-оналарига хархаша қилишади, янги жойга кўникишолмайди. Севган, ўрганган мактабини, синфдошларини соғинади. Анча вақт янги мактабга ўрганолмай, ўзини бегона ҳис қилади.

Ватан эл-улус, ёр-дўстлар билан қадрдон ва гўзалдир.

... Узбекнинг қизига Ватанни севасанми, деб савол берманг. Ватанни севмаса, турмушга чиқаётганида йиғлаш одат бўлмас эди. Оврўпо халқларида тўй куни йиғлаш нотабиий ҳол. Бу уларга қизнинг норозилигидек туюлади. Бизда ундай эмас. Бу кўз ёшлар севган йигитига узатилаётган, яхши хонадонга келин бўлаётган қизнинг ота-онасига, қизлик уйи — илк Ватанига бўлган меҳр, садоқат рамзи бўлади.

...Аскарликка кетаётган йигит, уқишга кетаётган йигит, сафарга кетаётган йигит онанг тутган нондан бир тишлаб кет. Ой бориб, омон қайтиб, тишлаган нонингни ўзинг ейишинг насиб этсин!

Нон азиз Ватан бўлиб кутиб қолади...

Меҳрибон ҚУРБОННИЁЗОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ватаннома



Ўзингдан чиққанига не етсин.

ЯНА БИР АЭРОБУСЛИ БЎЛАМИЗ

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Ғарбий Европанинг саноат консорциуми «Эрбас Индастри»дан яна бир «А-310» аэробусини сотиб оладиган бўлди.

Жаҳон андозаларига жавоб берувчи тежамкор ва қулай бўлган бундай самолётнинг иккитаси ҳозир «Узбекистон ҳаво йўллари»нинг халқаро йўналишларида хизмат кўрсатиб, Ғарбий Европа, Шарқий Осиё ва АҚШ аэропортларига парвоз қилмоқда. Ҳозирги вақтда жаҳондаги 62 та авиакомпания 640 дан ортиқ «А-300» ва «А-310» аэробусларидан фойдаланмоқда. Шунинг 12 таси МДҲ мамлакатларига тегишли.

Учинчи аэробусни сотиб олиш ҳақидаги битимни «Узбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси раҳбари Арслон Рўзметов ва «Эрбас Индастри» ижроия директори Волкер Фон Тейн имзоладилар.

Янги аэробусни 1998 йил майида миллий авиакомпаниямизга етказиб бериш режалаштирилган. Унда 193 йўловчига биринчи, бизнес ва иқтисодиёт тоифаларига кўра хизмат кўрсатилади. Шунингдек, юкларни андозавий контейнерларда самарали ташиш имконияти ҳам мавжуд.

Р. АЛИШЕРОВ.

БОШВОҒИ «ЎЗИЛГАН» СИГИРЛАР

уни мол ўғрилари содир этяпти

Ҳаётда бўладиган бир қатор салбий ҳодисалар тафсилотлари ажаблантиради мени. Айрим шахслар бор. Очиқдан-очиқ, кўр-кўрона, қасддан бировларнинг пешона терлари билан келган мол-мулкларига кўз олайтиради.

Масалан, Нишон туманидаги «Шаҳрисабз» массивига қарашли 32-Гулистон жамоа хўжалиги марказий қўрғонида яшовчи Абдуллаев Ҳамза узоқ муддат бирон-бир жамоада ишламасдан, ўзи билан бир қўрғонда яшовчи Бўтаев Хушвақт ва Алиқулов Сайдиллолар билан олдиндан ўзаро жиноий тил бириктиради. 1996 йил 9 февраль кундуз соат 17 ларда тумандаги Нишон жамоа ширкат хўжалигининг Карри қўтон яйловида фуқаро Чориев Маманазарга тегишли бўлган жами 16 бош, 85 минг сўмлик қора молларни атрофда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, яширин равишда ўғрилайдилар. Пиёдалаб ҳайдаб кетиб, дастлаб тумандаги Ҳамза жамоа ширкат хўжалиги ҳудудидаги дала шийпонига қамаб қўйишади. Кейин эса Косон тумани, Пўлати қишлоғи мол бозорига олиб боришиб, ўғриланган молларни дуч келган харидорларга арзон баҳоларда сотишади. Тушган пулларни ўзаро бўлиб оладилар. Улар, ушбу жиноий қилмишлари учун Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 4-қисми «а» бандидаги жиноятни содир қилганликда айбланадилар ва суднинг ҳукмига кўра ҳар бири узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилади.

Шунингдек, Қамаши тумани, Дангар қишлоғида туғилган Олтиев Шуҳрат ҳам оилали — 1 нафар фарзанди бор. Нуристон шаҳарчаси 1-миттитуманида яшаб келиб, текин бойлик орттириш ва енгил-елпи ҳаёт кечириш мақсадида кеч соат 23 ларда ғайриқонуний равишда тумандаги У. Юсупов жамоа ширкат хўжалигида яшовчи фуқаро Бобоқулов Бурхоннинг уй ҳовлисига яширин равишда киради. Қўйхонанинг эшигини очиб, ичида бўлган жами 159 минг сўм турадиган 91 бош қўй ва 15 бош эчкини ўғрилик йўли билан талон-торож қилади. Ўлжани тумандаги 3-а «Навбаҳор» жамоа ширкат хўжалигида яшовчи фуқаро Раҳмонов Кенжанинг қўйхонасига яшириб қўйиб, «Туркманистондан сотиб олиб келдим» деб одамларни алдайди. Сўнг ўғриланган қўйэчкиларни сотиб юборади. У ҳам Узбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 4-қисми «а» банди билан айбли деб топилди.

Худди шунингдек, Қарши туманидаги Пахтаобод қишлоғида яшовчи, илгари гиёҳванд моддаларни ноқонуний равишда сақлаганлиги учун судланиб, озодликдан маҳрум қилинган, 8 фарзанднинг отаси Авлияқулов Жомурод қишлоқдоши Эриёзов Бахтиёр билан ўзаро жиноий тил бириктиради. Ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмай, бирон-бир жойда ишламасдан, хўжаликдаги дала шийпони яқинида бўлган қоровул-чўпон Жўраев Ҳасан бобони ухлаб ётганлигидан фойдаланмоқчи бўлишади. Қўйхонанинг темир сеткали эшигини очишади. 15 бош сараланган — баҳоси 45500 сўмлик семиз қўйларни ажратадилар. Ўлжани Қарши тумани, Сарой қишлоғида яшовчи фуқаро Чориев Йўлдошга сотиб гумдон қилишади.

Мазкур жиноятлар ўз вақтида фош этилди. Ҳар иккала жиноятчи ҳам суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум қилинди.

Булардан ташқари, 7 нафар фарзанднинг отаси, ўрта махсус маълумотли, «Туркманистон» жамоа ширкат хўжалигида ишчи бўлиб ишловчи Ахматов Холдор ҳам ҳамма ухлайдиган, дам оладиган вақт бўлганидан ва атрофнинг қоронғулигидан фойдалангиси келади. 25-30 км. лар масофани пиёдалаб босиб ўтиб қўшни «Чароғил» жамоа ширкат хўжалиги қорамолчилик фермахонасига келади. Хавф сезмагач, девор оша яширин ва ғайриқонуний равишда кириб, молхонанинг ичкарисидаги 54 минг сўмлик уч бош зотли сигирни арқонларга боғлаб, ҳайдаб кетади. Ҳеч нарса билмагандек ўғрилаган сигирларни молхонасига қамаб, яшириб қўяди.

Таҳлилдан кўринишича, бунақа турдаги жиноятлар, яъни чорва молларини ўғрилаш жиноятлари йилдан йилга камаймаяпти. Ҳолбуки, бу соҳада жавобгарлик кучайтирилди. Судлар ҳам бу турдаги жиноятларни содир қилган шахсларга нисбатан жазо амалиётини одилона тартибда қўлламоқдалар.

Хўш, шундай экан, тоғни урса талқон қиладиган, меҳнатга яроқли, алп қомат эркакларимизни ким мажбур қилаяпти ўғрилик қилишга?

Наҳотки, улар ота-боболаримизнинг «Қиғир ишни қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади» деган ўгитларини эсдан чиқарган бўлсалар. Ахир, қадим-қадимдан бировнинг мулкига кўз олайтириш — жирканч иллат саналади. Қолаверса ўғрилик жиноятчи учун Қуръони карим ва сунналарда ҳам қатъий жазо белгиланиб, Ислом дини томонидан ҳимоя қилинадиган беш қадриятлардан бири ҳам мулкка тажовуз қилишнинг қатъий қўриқланишидир, деб кўрсатилган.

Назаримда, халқ осойишталигига раҳна солувчи, уларнинг мулкига кўз олайтирувчи кимсалар, ҳар қандай жиноий гуруҳларга қарши милиция ходимлари, фуқаролар, маҳалла йиғини оқсоқоллари, фаоллар ҳамда қўйингки, барча халқни жалб қилган ҳолда аёвсиз равишда ўт очиш ва уларнинг таг-томири билан суғуриб ташлаш вақти етиб келди. Зеро, жиноятнинг сабабини аниқлашдан кўра, унинг олдини олиш чораларини кўриш минг карра афзалроқдир.

Шундай экан, биз меҳнат жамоалари билан тез-тез учрашиб, жиноят, ҳуқуқбузарликлар бўйича қонунларимизда белгиланган ёки кўзда тутилган жазо чоралари бўйича тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришимиз керак. Агар масъулият ҳисси оширилса, айни вақтда аҳолига қонуний ҳақ-ҳуқуқлари, бурчлари тўғрисида зарурий маълумотлар бериб борилса, ҳамда ҳуқуқий тарбия болалар муассасаларидан, мактаблардан бошлаб кенг кўламда ўқитилиб-ўргатилиб борилса, янада таъсирлироқ бўлармиди?

Мусохон ШАРИПОВ,
Нишон туман прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси.

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«НАФАҚАНИ КИМ ТЎЛАЙДИ?»

(«Ўзбекистон овози», 1997 йил 18 февраль)

Хоразм вилояти Гурлан тумани ҳокимлиги газетада чоп этилган «Нафақани ким тўлайди?» сарлавҳали мақолани «Қорақалпоғистон» жамоа хўжалиги бошқаруви раҳбарлари ва тегишли мутахассислар билан жамоа хўжалик аъзоси Бекманова Оқилжон иштирокида ўрганиб чиқди.

Бекманова Оқилжонга 1995 йил сентябрь-декабрь ойларида бола туғишгача ва туғишдан кейинги таътил учун 3750 сўм ҳисобланган. Фарзандининг икки ёшга тўлгунча қараш таътили учун 7425 сўм ҳисобланган. Шундан 2793 сўм нақд пул билан тўланган, қолган қисми аризагўй розилиги билан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (ун, оқ ёғ, гуруч) билан тўланмоқда.

Жамоа хўжалиги бошқарувига болалар ва болали оналарни ҳимоя қилиш ва ўз вақтида ёрдам қилиш борасида тегишли кўрсатмалар берилиб, шу масала туман ҳокимлиги томонидан доимий назорат қилиб борилмоқда.

Туман ҳокими
А. ВАПОЕВ.

«ҚАЙСИ ТИЛНИ ЎРГАНГАН МАЪҚУЛ?»

(«Ўзбекистон овози», 1997 йил 25 февраль)

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги «Қайси тилни ўрганган маъқул» сарлавҳали мақола билан атрофлича танишиб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади:

Республика олий ўқув юртларида чет тилларни ўқитишга бўлган эътибор сўнгги йилларда, айниқса, республикамиз мустақилликка эришган йилдан бошлаб кучайтирилди. Мустақил республикамизнинг қатор жаҳон ҳамжамиятларига қабул қилиниши, мамлакатимизда янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг шаклланиши, хорижий давлатлар билан дипломатик, иқтисодий ва маданий алоқаларнинг йўлга қўйилиши чет тилларни мукаммал билувчи мутахассисларга бўлган эҳтиёжни оширмоқда. Бу борада вазирлик ҳайъатининг қатор қарорлари ва буйруқлари қабул қилинди ва улар ўқув жараёнида кенг татбиқ қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларига абитуриентларни қабул қилиш тартиб-қоидаларига мувофиқ, чет тилларни ўқитишга ихтисослашган олий ўқув юртлари ёки факультетларига, иқтисодиёт, гуманитар таълим йўналишларига ўқишга кирувчи абитуриентлар учун ўрта мактабда ўқитилган чет тили бўйича тест синовларини (испан ва шарқ тилларидан ижодий имтиҳон) топшириш белгиланган.

Олий ўқув юртига қабул қилинган талаба ўз ихтиёрига мувофиқ ўрта мактабда ўқиган чет тилини ўқишни давом эттириши ёки истаган тилини (инглиз, немис, француз) танлаши мумкин.

Амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ, олий ўқув юртига қабул қилинган талабалар ўрта мактабда чет тилидан олган билимларига қараб, махсус гуруҳларга бўлиниб, икки йил давомида чет тилларидан бирини интенсив равишда ўқийдилар (508 соат ҳажмда). 3-курсдан бошлаб чет тилини мукаммал ўрганиш ниятида бўлган талабаларга факультатив равишда ўқитиш ташкил этилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ, бакалавр даражасини олувчи шахсларга чет тилидан давлат имтиҳонини топшириш белгиланган.

Республикамиз ўрта мактаблари учун чет тиллари бўйича ўқитувчиларни тайёрлаш учта ихтисослашган (ЎзДЖТУ, АндДПТИ, СамДЧИ) олий ўқув юртларида ҳамда барча университет ва педагогика институтларида ташкил этилган.

Вазир муовини
Қ. АЛЛАЕВ.

«ҚИШЛОҚҚА КИНО НЕГА КЕЛМАЙДИ?»

(«Ўзбекистон овози», 1997 йил 18 март)

Газетада босилган юқоридаги сарлавҳали танқидий мақола вилоят «Киновидео» акционерлик бирлашмасининг кенгайтирилган йиғилишида атрофлича муҳокама қилинди. Мақолада келтирилган танқидий фикрлар, ўринли мулоҳазалар тан олиниб, газетанинг долзарб мавзуни қаламга олганлиги таъкидланди.

Қишлоқ аҳолисига кино хизмати кўрсатишни яхшилаш, бу борадаги муаммоларни, камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди.

Бухоро вилоят ҳокими ўринбосари Н. ОЧИЛОВ.

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТ-ҚУРИЛИШ БАНКИ: ИҚТИСОДИЁТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАМИЗ

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси саноат-қурилиш банки жамоаси мамлакатимиздаги етакчи акционерлик-тижорат банкларидан бири ҳисобланади. Ушбу банк ислоҳотларни чуқурлаштириш, мамлакатимизнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш борасида муайян ютуқларга эришаётир. Яқинда мухбиримиз Ўзбекистон саноат-қурилиш акционерлик-тижорат банки бошқаруви раиси Ўткир Убайдуллаевич НИГМАТОВ билан учрашиб, банк фаолияти ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Ўткир Убайдуллаевич! Матбуот хабарларига кўра, бир неча кундан сўнг Ўзбекистон саноат-қурилиш банки акционерлари ўзларининг навбатдаги йиллик мажлисларига тўпланадилар. Шу муносабат билан газетамиз мухлисларига ҳисобот йилида банк томонидан амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалар ҳақида гапириб бермасангиз?

— Ҳақиқатан ҳам шу йилнинг 25 апрель куни акционерларнинг навбатдаги мажлисида банкнинг 1996 йилдаги фаолиятига якун ясалиб, келгуси даврда амалга ошириладиган асосий иш йўналишлари белгилаб олинади. Гап шундаки, мажлис ишида бизнинг барча акционерларимиз бевосита иштирок эта олмайдилар. Уларнинг кўпчилиги ўз ваколатларини тегишли вакиллари зиммасига юклашди. Шу боис ушбу суҳбатимиз фаолиятимизнинг асосий натижалари билан акционерларни ҳам, мижозларни ҳам таништириш имкониятини беради. Бинобарин, уларнинг кўпчилиги сизнинг газетангизни севиб ўқийдилар.

Ўтган йил, яъни мустақил Ўзбекистоннинг беш йиллиги юбилейи нишонланган йил олти минг кишилик банк жамоаси учун бутун республикамиз халқлари қатори мамлакатимизнинг иқтисодий мустақиллигини янада мустаҳкамлаш йўлидаги шонли меҳнат йили бўлди.

Мамлакатимиздаги энг йирик кредит муассасаси ва халқ хўжалиги молия тармоғи инфраструктурасининг таркибий бўғини бўлиб қолаётган банкимиз ўзи хизмат кўрсатаётган иқтисодиёт тармоқларини барқарорлаштиришга муайян таъсир кўрсатмоқда. Ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва ижтимоий масалаларни ҳал этишда фаол иштирок этяпти. Банклар ўртасидаги рақобат кучайиб бораётган ҳозирги шароитда унинг молиявий барқарорлиги ва изчил ривожланиши таъминланмоқда. Ҳисобот йилида банк активи 1,3 баравар ошди. Фаолият доирасининг кенгайиши натижасида молиявий режаларни бажариш йўналишларидаги топшириқлар ўз вақтида бажарилиб, заҳира ва бошқа жамғармалар тўлдирилди. Шахсий капитални ривожлантириш борасида катта ишлар амалга оширилди. 859 миллион сўмлик ҳажмида Низомий фонд жорий этилди. Бизга ишонч билдириб, ўз банкини қўллаб-қувватлаётган акционерларимизга чуқур миннатдорчилик билдирамиз. Уларнинг банкка қўйган маблағларини кўз қорачиғидек асраш ва уни кўпайтиришни ўзимизнинг масъулиятли бурчимиз, деб биламиз.

1996 йилда Ўзбекистон саноат-қурилиш банки томонидан анъанавий равишда фаол кредит сиёсати ўтказилди. Бу сиёсатнинг асосий мақсади етакчи тармоқларни тубдан қайта қуришга мўлжалланган самарали маблағлар ажратиш, кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва хорижга чиқадиган маҳсулотлар турини кўпайтиришдир. Ушбу мақсадларга ўтган йили ажратилган кредитлар миқдори 48 миллиард сўмдан ошди. Ссуда бўйича олинган қарзлар ўтган йил бошланишидаги 11,4 миллиард сўм ўрнига ҳисобот йили охирига келиб 13,9 миллиард сўмга етди ёки бу кўрсаткич 22 фоизни ташкил этди. Қарзларнинг асосий қисми кимё, газ ва нефтни қайта ишлаш, енгил саноат ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларига инвестиция беришга сарфланди. Банк умумдавлат аҳамиятига эга бўлган қурилиш объектларини молиявий таъминлашда ўз зиммасига бир қатор муҳим вазифаларни олган. Кредитлар портфелида мақсадли қарзлар 11,9 миллиард сўмни, узоқ муддатли қарзлар ҳиссаси эса қарийб 70 фоизни ташкил этади.

Ўзбекистон саноат-қурилиш банки кредитлари иштирокида Асака шаҳрида Ўзбекистон автомобилсозлик саноатининг қалдирғочи — автомобиль заводи бунёд этилди. Бу завод нафақат Ўзбекистоннинг, балки бутун Марказий Осиё давлатларининг фахридир. Шу йилнинг 1 июлигача Бухородаги нефтни қайта ишлаш заводининг биринчи навбати ишга туширилади. Бу корхона ишга тушгач, мамлакатимизнинг энергетика мустақиллиги янада мустаҳкамланади.

Кимё мажмуаси ҳам тезкор суръатлар билан ривожланмоқда. Чунончи, бу тармоққа ҳам катта кредит маблағлари ажратяпмиз. Унинг миқдори биз берган умумий қарзларнинг қарийб учдан бирини ташкил этади. Андижон, Қўқон ва Янгийўл биохимия заводларининг бунёд этилиши ҳамда ишга туширилиши озиқ-овқат саноати корхоналари ва бошқа тармоқларни зарур хом ашё билан тўла таъминлаш имконини беради. Бой минерал хом ашё заҳираларидан унумли фойдаланиш мақсадида Қизилқумфосфорит комбинати ва Қўнғирот сода заводи қурилишларининг якунланишига банкимиз муносиб улуш қўшади.

Банк ўзига шерик бўлган корхоналар билан ҳақиқий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ривожлантириш масалаларига ҳам катта эътибор бераётир.

Айни чоғда банк қўшимча воситаларни шу соҳага жалб этиш имкониятларини қидирмоқда. Шу боис, банк Тошкент трактор заводининг акциявий капиталини жорий этишда бевосита иштирок этди ва унга 45 миллион сўм маблағ ажратди. Шунингдек, «Ўзиталмотор» акционерлик жамиятига ҳам ёрдам берябти. Бугунги кунгача Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машина холдинги корхоналари фойдаланаётган қарз маблағлари қарийб 400 миллион сўмни ташкил этади.

Ўтган йилнинг ўзида 2400 дан зиёд турли қурилишлар ва ижтимоий соҳадаги объектлар молиявий жиҳатдан таъминланди. Банкнинг мижозлари бўлмиш корхона ва ташкилотлар банк кредитларидан фойдаланган ҳолда 736 километр масофадаги электр узатиш линияларини қуриб беришди. 29 та нефть ва газ қудуқлари бунёд этилди. 288 километрлик газ қувурлари ётқизилиб, бир кеча-кундузда 750 автомобилга хизмат кўрсатадиган автомобиль ёнилғи қуйиш станциялари фойдаланишга топширилди. 353 минг квадрат метрли уй-жой бинолари, 36,6 минг ўқувчига мўлжалланган мактаблар, 1165 ўринли болалар боғчалари, 1125 ўринли касалхоналар ва кунига 5770 кишини қабул қилиш имкониятига эга бўлган поликлиникалар ишга туширилди.

Банк жорий йилда ҳам ўзининг фаол инвестиция фаолиятини давом эттиради. Бу йил асосий тармоқларни ривожлантиришга, тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга асосий эътиборни қаратамиз. Уларга лойиҳаларни текширувдан ўтказишда, бизнес режалар тузишда ва техник-иқтисодий асосларни яратишда яқиндан ёрдамлашамиз.

— Банк ўзининг тижорат фаолиятида асосан қандай мақсадларни кўзда тутади? Биринчи навбатда катта фойда олишми?

— Акционерларнинг асосий мақсадларидан келиб чиқиб, банкни келажакда янада ривожлантириш учун албатта самарадорликни янада оширишга ҳаракат қилиб, банк операцияларининг ҳаммасидан фойда олишни кўзда тутамиз. Шу билан бирга давлат ва ўзимиз хизмат қилаётган мижозларнинг манфаатларини ҳисобга олишни ўзимизнинг бурчимиз деб ҳисоблаймиз. Биз катта фойда олиш кетидан қувмаймиз.

Марказий банк томонидан ўтказилаётган кредит сиёсатига мувофиқ барқарор молиявий шароитда, пулнинг қадрсизланиши камайиб бораётган пайтда қарзларга қўйилаётган фоизлар кейинги бир ярим йил мобайнида доимий равишда назоратда бўлди ва пасайиш томонига ўтди ҳамда ҳозирги пайтда ойига уч фоиздан ошмаган миқдорни ташкил этаётир. Шу билан бирга бозор муносабатларининг тобора ривожланиб бориши бизнинг олдимизга банк хизмати механизмини такомиллаштириб, нархларни белгилаш масаласини қўймоқда. Фақат четдан маҳсулот олиб келиб сотиш билан шуғулланадиган тижорат тизимларига келганда эса шуни айтиш керакки, уларга қарз берганда анча юқори фоизлар белгиланади. Бошқача қилиб айтганда, бу ишга чуқур мақсадларни кўзлаб ёндашишга ҳаракат қиляпмиз.

Республикамизда кўп укладли иқтисодиёт юзага келган шароитда Ўзбекистон саноат-қурилиш банки қарз бериш тажрибасида асосий қоидага — мулк шаклидан қатъи назар қарз олувчиларга тенг муносабатни таъминлашга ҳаракат қилади. Бунда асосий талаб — хўжалик субъектларининг тўлов қобилияти, уларнинг кредит шартномаси талабларига риоя қилиши, олинган қарзни ўз вақтида қайтариш ва фойдаланилганлик учун ҳақ тўлашга қатъий кафолат беришдир. Баъзан у ёки бу тижорат соҳасига, хориждан турли молларни сотиб олишга қарз сўраб мурожаат қилишади. Бу ўз-ўзидан тезда катта даромад келтириши мумкиндек туюлади. Бироқ, бунда эҳтиёткорлик зарур. Энг муҳими, бунда бериладиган қарз ўзимизнинг маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга жиддий зарар келтириши мумкин. Шу боис ҳам бизнинг кредит сиёсатимиздаги асосий йўналишлардан бири шуки, чет эл маҳсулотини алмаштирадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи, рақобатбардош маҳсулот тайёрлайдиган тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга маблағ сарфлашимиз керак.

Капитал қурилишига кредит ажратаётганимизда бу маблағларни қайтариш масаласи қувватлар тўла ўзлаштирилиб, ишлаб чиқариш бошланганда сўнг ҳал этилишини ҳисобга оламиз. Шу боис биз ўз шерикларимиз — қарз олувчилар билан ҳам, пудрат ташкилотлари билан ҳам қурилиш объектини тезлаштириш, сарфланган капитал маблағлардан аниқ ва самарали фойдаланиш, асбоб-ускуналар материалларни ўз вақтида етказиб бериш, ҳисоб-китоб ва конвертация масалаларида биргаликда бош қотирамиз.

— Тажрибанинг кўрсатишича, бозор иқтисодиётига ўтиш осон кечмайди. Айни кунларда банк қандай муаммоларга дуч келяпти?

— Ҳа, сиз ҳақсиз. Муаммолар бор. Улар ҳали ҳаммада ҳам мулкка эгалик ҳисси шаклланмаганлигида ва ўз вазифасига масъулият билан ёндашиш вужудга келмаганлигида намоён бўляпти. Баъзиларда ҳали-ҳануз боқимандалик кайфияти ҳукмрон. Ҳаммага маълумки, кредит фаолияти айрим қалтис операциялар билан боғлиқ. Биз ўз тажрибамиздан иккиланишга мажбур қиладиган операцияларни чиқариб ташлашга ҳаракат қиламиз. Биз ходимларимиздан мижозларнинг молиявий фаолиятини ва аҳволини чуқур ўрганишнигина эмас, корхона раҳбарининг ишбилармонлик қобилиятларини ўрганишни ҳам талаб қиламиз. Унинг хўжалик алоқалари ва шериклари ҳақида қулоққа чалинган гапларга асосланиб ҳукм чиқармаймиз. Кредит ажратилгандан сўнг эса маблағ ва товарларнинг ҳаракати доим кузатиб борилади, ҳисоб-китобларни йўлга қўйишда ёрдам берилади, айни чоғда эса қарзни ўз вақтида қайтариш талаб қилинади. Тўлов қобилиятини йўқотган қарздорларга келсак, бу борада банк қатъий ҳаракат қилиб, ҳукуматимиз ҳамда республика Марказий банки талаб этганидек, «Банкротлик ҳақида»ги қонунда кўзда тутилган санкцияларни қўллаймиз. Кейинги икки йил ичида 41 хўжалик ташкилоти матбуот орқали тўлов қобилиятини йўқотган, деб эълон қилинди, банк ташаббуси билан хўжалик судлари томонидан 13 корхона ва ташкилот банкрот, деб тан олинди. Учтаси бўйича эса санация ҳақидаги қарор жорий этилди. Буларнинг ҳаммаси муддати ўтиб кетган қарзлар миқдорининг камайишига олиб келди. Ўз вақтида тўланмаган қарзлар миқдорини кескин камайтиришни ўз олдимизга асосий мақсад қилиб қўйдик.

— Республикамизда бозор инфраструктураси ривожланмоқда, турли биржалар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ишида банкнинг иштироки қандай бўлмоқда?

— Биз республика Валюта биржасининг муассиси сифатида қимматли қоғозлар бозорида фаол ҳаракат қиляпмиз. Ўзбекистон саноат-қурилиш банки тегишли лицензияга эга бўлганлиги боис «Тошкент» фонд биржасида брокерлик идораси ва инвестиция компанияси сифатида қатнашмоқда. Айниқса, банкнинг ким ошди савдоларида ҳамда давлат қисқа муддатли облигацияларини иккиламчи сотишда иштирок этиши самарали бўляпти. Давлат қисқа муддатли облигацияларининг эмиссияси якунларига кўра, ўтган йил учун 3,3 миллиард сўм маблағ қўйдик. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, бу давлат учун ҳам, инвесторлар учун ҳам фойда келтиради. Давлат облигациялари билан ишлаш барча хўжалик органларига, айниқса вақтинча эркин пул маблағларига эга бўлган ташкилотлар учун ўта фойдали. Биринчидан облигациялар инвесторларга мунтазам равишда даромад келтиради, ишончли восита сифатида хизмат қилади. Иккинчидан, уларни ҳар қандай шароитда ҳисоб рақамида тўлов воситасига айлантириш мумкин. Биз ўзимиз хизмат қилаётган корхоналарга брокерлик хизмати кўрсатиш ҳажмини кенгайтиришга, бундан ташқари бошқа хўжалик субъектларига, шунингдек тижорат банкларини юқори фойда келтирадиган қимматбаҳо қоғозлар бозорида маблағ билан таъминлашга ёрдам беришга ҳамиша тайёрмиз.

Банкимизга ишониб топширилган маблағларни инвестиция йўналишида жалб этиш учун истиқболли акционерлик жамиятларининг энг муносиб акцияларини олди-сотди операцияларида ишлатамиз. Бундай маблағ сарфлашнинг умумий ҳажми 170 миллион сўмга яқинлашди ва у ўсиб бормоқда. Олинаётган дивидендлар банкнинг қўшимча ва мунтазам оладиган фойдасини ташкил этади. Хусусийлаштириш миқёсининг тобора кенгайиб бориши натижасида банк ва унинг филиаллари фонд бозорида янада дадилроқ ҳаракат қилишни мўлжалламоқдалар.

— Дарвоқе, банк аҳолига қандай хизматлар кўрсатаётганлигини ҳам билишни истардик.

— Аҳоли билан ишлаш — фаолиятимизнинг энг муҳим йўналишларидан биридир. Биринчидан, фуқароларнинг ортиқча маблағларининг вақтинча банкка қўйилиши бу қулай, фойдали ва ишончли бўлиб, уларнинг маблағи тўлиқ сақланади. Иккинчидан, депозит ва омонатлар кредитлаштириш ва фойда оқимини кўпайтириш учун ресурс базасини кўпайтиришга хизмат қилади. Ҳозир филиалларимизда замонавий ҳисоблаш техникаси билан жиҳозланган 292 омонат кассаси фаолият кўрсатмоқда. Коммунал ва бошқа хизматлар учун тўловлар қабул қилиш ташкил этилган, омонатчиларнинг топшириқларига биноан нақд пулсиз тўловлар ҳам жорий этилган. «Индексация» ҳисоблари ҳақида гап кетганда, аҳолига 1996 йилнинг ўзида улардан 4,4 миллион сўм маблағ тўланди. Бу йил ҳам маблағ тўплаш ва ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

Ҳозирги кескин рақобат шароитида омонатларнинг доимий равишда оқиб келиши учун банкимизга бўлган ишончни мустаҳкамлашимиз зарур. Шу боис ҳамма жойда фоиз ставкалари камайиб борган шароитда биз илгари олган мажбуриятларимизни бажаришни зарур, деб топдик. Ҳаракатдаги омонат ва депозитлар бўйича фоизларни ўзгартирмадик. Фақат янги очилган ҳисоблардагина фоиз ставкалари бироз камайди. Бу кўпчиликнинг эътиборини тортди ва банкимизга бўлган ишонч ортиб борди. Масалан, ўтган йили аҳоли пул маблағларини банкимизга омонатга қўйиши 2,7 бараварга ошди. Бу йил ҳам омонатлар сони кўпайиб бораяпти. Аҳоли маблағларини омонатга қўйиш ҳажми жиҳатидан Ўзбекистон саноат-қурилиш банки Халқ банкидан сўнг республикамизда иккинчи ўринни эгаллаб турибди.

— Банк ҳисоб-китобларни яхшилаш учун қандай тадбирларни амалга оширмоқда?

— Ҳисоб-китоб операцияларини бажариш ва мижозларнинг топшириқларига кўра тўловлар ўтказиш банк фаолиятининг асосий турларидан биридир. Бу борада айрим муаммолар ҳал бўлди. Лекин уларни ҳал қилиш масаласи банкларга ҳам, хўжалик юритувчи ташкилотларнинг ўзларига ҳам боғлиқ. Биз ўз томонимиздан ҳамма ишларни ўз вақтида ва ҳеч қандай тўсиқларсиз амалга оширишга ҳаракат қиламиз.

Республика ҳукуматининг қўллаб-қувватлаши натижасида солиқлардан тушадиган маблағларнинг бир қисмини банк инфраструктурасини ривожлантиришга, ҳисоб-китоб операцияларини тўла автоматлаштиришга сарфлаяпмиз. Ҳисоб-китоб ҳужжатларини тўлдириш ва пул маблағларини ўтказишни тезлаштиришимизда Марказий банк томонидан жорий этилган электрон тўловлар тизими катта ёрдам берди. Барча филиалларимиз ҳозир шу асосда иш юритяпти. Шахсий молиявий маблағларни жамлаш ва уларни жойжойига қўйиш натижасида бўлинмаларнинг корреспондентлик ҳисобларида етарли миқдорда маблағ бор. Натижада банкларнинг айби билан ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг кечикишига умуман барҳам берилган.

Бир йўла бошқа йўналишда ҳам иш олиб бориляпти. Бу бевосита хўжалик тизими билан боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 24 январдаги «Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қандай бажарилаётганлиги доимо назорат қилиб турилади. Корхоналарга амалий ёрдам беришни яхшилаш мақсадида доимий равишда ягона молия-ҳисоб кунлари ўтказиб турилади. Вазирликлар, концернлар ҳамда уюшмалар билан биргаликда ўзаро қарзларни бартараф этиш бўйича ҳисоб-китоб ишлари олиб борилади. Фақат шу йилнинг бошидаёқ бу тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида умумий ҳисоб-китобларга кўра, корхоналарнинг 11 миллиард сўмга яқин дебитор-кредит қарзлари камайтирилди ва шу билан бирга бюджетга 1,6 миллиард сўм миқдорида маблағ ўтказилди.

Бу йил Ўзбекистон саноат-қурилиш банки республика банклари орасида биринчи бўлиб ҳисоб-китобларнинг янги, халқаро андозаларга мос турларини амалга оширади. Бу банкнинг моддий базаси яхшиланиб, унинг ходимлари маҳорати ошиб бораётганлигидан далолатдир.

— Ўзбекистон саноат-қурилиш банки республика ичида фаол операциялар ўтказиш ҳажми бўйича тижорат банклари орасида етакчи ўринда турибди. Айтингчи, унинг ташқи бозордаги иштироки қандай?

— Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан интеграция жараёнининг чуқурлашиб бориши тижорат банкларига кенг имкониятлар очди. Корхона ва бирлашмаларнинг ташқи савдо алоқалари ривожланиб бораётганлиги, биз хизмат кўрсатаётган мижозларнинг кўпайиб бораётганлиги, уларга чет эл валютаси ҳисоб-китоблари бўйича янги хизмат турларини таклиф этишни биздан талаб қилмоқда. Ҳозиргача 24 та йирик хорижий банклар билан корреспондентлик муносабатлари ўрнатилди. Умуман, жаҳоннинг 60 дан зиёд банклари билан амалий алоқада бўлиб турибмиз. Хорижий валютадаги ҳисоблар сони икки бараварга ошди. Уларнинг эркин конвертирланган валюта бўйича операциялари ҳажми 1995 йилга нисбатан бир ярим баравар ўсди. Филиалларимизда валюта алмаштириш пунктлари ишлаб турибди. Экспорт-импорт аккредитивлари бўйича ҳужжатли операциялар фаол ривожланаётир. Валюта дилингини жорий этиш бўйича ишлар олиб бориляпти. Ҳисоб-китоблар бўйича операцияларни янада фаоллаштириш учун «СВИФТ» ва «РЕЙТЕР» тизимларига қўшилиш ишлари якунланиш арафасида.

— Банкнинг келажаги қандай бўлади? Унинг яқин истиқболдаги фаолияти ҳақида гапириб бермасангиз?

— Бизнинг 1997 йилдаги иқтисодий сиёсатимиз мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов белгилаб берган ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг аниқ дастурий йўналишларига асосланиб, вазифа ва ниятларимиз шундан келиб чиқади. Бу тегишли иқтисодий тараққиёт жараёнига ҳисса қўшиш, пулнинг қадрсизланишини пасайтириш, миллий валютамизни мустаҳкамлаш, кредит-молия тизими фаолиятининг барқарорлигини таъминлашдан иборат.

Банк кенгаши ва унинг бошқаруви томонидан Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш дастурини, шунингдек, инсон манфаатларини таъминлаш ҳақидаги тадбирлар мажмуини бажаришга қаратилади. Ўзбекистон саноат-қурилиш банкининг имкониятлари кўп йиллик иқтисодий тажриба ва кадрлар салоҳияти асосига қурилган. Ихтисослаштирилган банклар тармоғи жуда кенгайиб кетганлигига қарамай бизнинг хизматимиздан 26 мингдан зиёд корпоратив ва шахсий мижозлар фойдаланишаётир. Бизнинг келажакдаги ниятларимиздан бири шуки, бошқарувни ва ҳақиқий фаолиятни бозор иқтисодиёти принциплари ва халқаро банк андозалари талабларига биноан қайта қуришдир.

Ушбу вазифаларни бажаришни асосан ҳудудий бўлинмалардан бошламоқчимиз. Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикасида ва барча вилоятларда ҳозирги пайтгача 59 та филиал ишлаб турибди. Уларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш ва мижозларга янада яхшироқ хизмат кўрсатишлари учун яхши шароитлар яратилишига катта маблағлар ажратилмоқда. Фақат кейинги икки йил ичида Жиззах, Қўнғирот, Тахиатош, Хева, Сурхондарё, Қоровулбозор ва Чилонзордаги филиалларимизнинг бинолари таъмирланди ҳамда кўплари янги бинога кўчирилди. Самарқанд ва Қарши шаҳарларида эса қурилиш ишлари давом эттирилмоқда.

Мамлакатимизда бозор инфратузилмаси ривожланиб бормоқда, банкларнинг, айниқса ҳисоб-китоблар билан шуғулланадиган ходимларнинг масъулияти ошмоқда. Банклар ишини енгиллаштириш, хатоларнинг олдини олиш, мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини юқори даражада ушлаб туриш учун Тошкент шаҳрида, шунингдек, вилоятларда филиал тармоқларини кенгайтириш йўлидан бормоқдамиз.

Банкнинг келажагини кадрлар ҳал қилади. Кейинги пайтларда банк жамоаси ёшлар — яъни, олий ва ўрта махсус билим юртлари битирувчилари билан тўлдирилди. Раҳбар кадрларни ва мутахассисларни қайта ўқитиш ва тайёрлашга катта эътибор беряпмиз. Айни пайтда Банкмолия академиясида ўн киши, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида 559 киши ўқитилмоқда. Бизнинг ходимларимиз Буюк Британия, Голландия, АҚШ, Япония, Греция, Жанубий Корея, Туркия мамлакатларидаги банклар фаолиятини ўрганиш ва у ерда билимларини ошириш имкониятига эга.

Одамлар билан ишлаш жараёнида биз ҳар бир киши банк ишини чуқур билишига, «Мижоз банк учун эмас, балки банк мижоз учун» деган қатъий эътиқодга амал қилишига эришмоқчимиз. Фаолиятимизнинг асосий мезони ялпи банк хизматини янада яхшилаб бориш, мижозларимизга қулай шароитлар яратиб бериш, банк хизматининг янги турлари билан уларни қондириш ва Ўзбекистон саноат-қурилиш банкининг республика иқтисодиёти тараққиётига муносиб ҳисса қўшишини таъминлашдир.

Мамлакат банк тизими

ХАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 21

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!
Профилактика муносабати билан 21 апрель, душанба куни ЎзТВ I кўрсатувлари соат 17.55 да бошланади.

I
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Эркатой».
18.25 «Сиҳат-саломатлик».
18.45 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
19.05 «Вақт». Публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Ўзбекистон — Америка: ҳамкорлик йўлида».
21.20 Дилнавоз садолар.
21.35 «Сиёсат оламида».
22.05 «Бу оқшом...»
22.35 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.20 — 00.30 «Ватан тимсоллари».

II
18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Спорт қитъаси».
18.45 «Компьютер-Осиё».
19.00 «Мак ва Матли». Қизиқарли дастур.
19.20 «Услуб».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.20 «Спорт қитъаси».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.15 «Кинонигоҳ».
22.15 Кундалик.
22.20 «Бебаҳо лаҳзалар».
22.30 «Спорт қитъаси».
23.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
24.00 — 00.10 Кундалик.

III
17.15 Янгиликлар.

*
17.20 — 20.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
20.40 «Кругозор». Тележурнал.

*
21.00 — 21.30 Россия давлат телевидениеси.
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Уч қоҳоқ». Бадиий фильм (АҚШ).
23.05 «Сумалак». Телефильм.
23.20 — 23.35 Янгиликлар.

IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Кунгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.35 «Сўз — сизга».
19.50 «Авторейд».
20.00 «Душанба». Публицистик кўрсатув.
20.10 «Кулги асло қаритмас».
20.40 «Аёл».
21.10 «Спорт-тайм».
21.40 «Севги, бу...» В. Пресняков.
21.55 Эълонлар.
22.00 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
22.50 — 23.00 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 22

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Зарафшон». Ҳужжатли фильм.
8.55 Биржа ва банк хабарлари.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Компьютер сабоқлари».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Она тили.
11.00 Инглиз тили.
11.30 Ўзбекистон тарихи.

*
12.00 «Қотиллик пайида». Бадиий фильм. 6-серия.
12.55 «Алпомиш авлодлари». Қураш.
13.20 «Эҳкичанинг шохи ўсди». Мультфильм.
13.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.
14.00 Янгиликлар.
14.05—15.00 Р. Маъдиев, Ф. Олимов. «Девона». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли. 1-қисм.

***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Қунгироқча».
18.30 «Спорт, спорт, спорт».
18.55 Орзиқул Эргашев. «Ёз кунларининг бирида». Теленовелла.
19.05 «Маънавият». Оҳанглардан таралган меҳр.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Ҳаёт синовлари». 3-кўрсатув.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VIII сессияси олдидан.
21.20 «Маънавият». «Муножот». Берта Давидова куйлайди.
22.05 «Замон».
22.15 XII Тошкент Халқаро кинофестивали олдидан. «Хайр, ширин орзулар». Бадиий фильм. 1-серия (Покистон).
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.25—00.35 «Ватан тимсоллари».

II
18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.45 ТВ плюс...
19.00 «Олтин кент».
19.15 «Сизнинг имконият».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.10 «Кинонигоҳ».
22.50 Кундалик.
22.55 «Авлодимиз».
23.10 «Спорт қитъаси».
23.40 «Акс».
24.00 ТВ плюс...
00.15 — 00.25 Кундалик.

III
17.15 Янгиликлар.

*
6.30 — 8.00, 17.20 — 20.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
20.40 «Оҳ, малика», «Хризантемалар боғи». Мультфильмлар.

*
21.00 — 21.30 Россия давлат телевидениеси.
*
21.30 Эълонлар.
21.35 Телетомошабинларнинг талабларига биноан. «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Телевизион бадиий фильм. 5-серия.
22.40 «Нақшлар оҳанги», «Матодаги муъжиза». Телефильмлар.
23.20 — 23.25 Янгиликлар.

IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Курсатувлар анонси.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 «Сен ҳақингда ва сен учун». Ахборот-дам олиш кўрсатуви.
19.20 Эълонлар.
19.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.15 «Америкага бир назар».
20.40 «Халқ саломатлиги йўлида».
21.15 «Солиқлар ҳақида сабоқлар».
21.30 «Игротека+оила».
22.00 Эълонлар.
22.05 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
22.55 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.25 «ТВ IV да — «Немис тўлқини».
23.45 — 23.55 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 23

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*
8.25 «Маънавият». «Муножот». Берта Давидова куйлайди.
9.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ҳаётимсан, футбол».
9.35 «Қирқ ҳунар ҳам оз».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Фермер». Тележурнал.
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Зоология.
11.00 «Ассалом, япон тили!».

*
11.40 «Ялқов», Мультфильм.
11.50 «Иқтидорлар — юрт таянчи». Республика иқтидорли болаларнинг VI слёти.
12.10 «Соат занг урар экан». Бадиий фильм.
13.25 Ғанижон Тошматов номидаги дуторчилар ансамблининг концерти.
14.00 Янгиликлар.
14.05—15.20 Р. Маъдиев, Ф. Олимов. «Девона». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли. 2-қисм.

***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ўғруқ оламда Ватан биттадур...».
18.15 «Диёр». Тележурнал.
18.35 «Катта танаффус» янгиликлари.
18.55 Дилнавоз садолар.
19.05 «Қалқон». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Маънавият». Мусиқа ва замон.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 Дилнавоз садолар.
21.40 «Автоолам» тақдим этади: «Асакадан хабарлар».
21.55 «Сир».
22.05 « 15 дақиқа спорт ҳақида».
22.20 «Табаррук қадамжолар». Авлиё ота мажмуаси. VIII аср.
22.40 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15—00.25 «Ватан тимсоллари».

II
18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.40 «Спорт қитъаси».
18.50 «Дойче Велле» тақдим этади...
19.10 «Ором онлари». Концерт.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.15 «Кинонигоҳ».
22.45 Кундалик.
22.50 «Спорт қитъаси».
23.20 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.10—00.20 Кундалик.

III
17.10 Янгиликлар.

*
6.30 — 8.00, 17,15 — 20.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
20.40 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт кўрсатуви.

*
21.00 — 21.30 Россия давлат телевидениеси.
*

ЯНА БИР ГУЛ УНДИ ИЗИМДАН...

Ислом ХАМРО



БЕМОРЛИКДА ЁЗИЛГАН ШЕЪР

Етмиш икки томир, етмиш икки жон,
Бўғзимда чирқиллар қушчадай, ёҳу.
Саратон тунидай бир тутам бу бахт.
Бизни ташлаб кетар бир куни, оҳу.

Сочимни қўнимгоҳ қилди саҳарлар,
Ўйлардим юздаги қизиллик мангу.
Энди менга қизлар хат ёзмай қўйган,
Наҳот сиз ҳам ташлаб кетасиз, оҳу.

Энди манзил яқин. О, гуноҳларим!
Эсласам, юракда уйғонар қўрқув.
Сизни ташлаб кетиш яна бир гуноҳ,
Кетмасам...
Иложим йўқ ахир, оҳу.

Мана, қулоғимда айрилиқ саси,
Чалажон руҳимда фақат бир туйғу.
Мен-ку, кетаяпман... Алвидо... Фақат —
Қабримга бир бора тиз чўкинг, оҳу.

Муддао бахтингиз боғлаб кетишмас,
Нозик юрагингиз тортмасин қайғу.
Илк бор қабримни бир тавоф айлангиз —
Ва сўнг бор тарк этинг бир кулиб, оҳу!

САВОЛ

Бу тун жуда чўзилиб кетди,
Юрак хуружини қўймади.
«Кўзим, ухла» дедим, «ухла, жон кўзим!»
Аблаҳ, алдаганга кўнмади.

Хотирнинг тиконзор сўқмоқларида,
Судради, тун бўйи тинмадим.
«Бормайман мен унинг олдига»,
Аблаҳ, ялинганга кўнмади.

Келдик. Тикан сўқмоқ қонга қоришди.
Ўша сой...
Дўлана...
Ёлғиз оқ терак.
Жоним, нега мени ҳолимга қўймас,
Айтганимга юрмас, бу телба юрак?!

Сен йўқсан.
Саволим қолди осилиб.
Қари дўлананинг букур шохида.
Мен шундай юрибман девона бўлиб,
Сен ҳам эслайсанми, гоҳида?!

* * *

Юрак бир увушди, бу кеча
Тун узоғи оғриди сим-сим.
Бешигинг қушига бошимни қўйиб —
Ўйладим: «Изимни босармиз ўғлим?»

«Бобонг жангари феъл чавандоз эди...»
Момом бундай эртак айтган қанчалар.
Мен отдан қўрқаман.
Жангарилик йўқ.
Ўғлим, юрагимга недир санчилар.

Отамнинг оёғи синган етти бор,
Кўпкари бобомнинг қонидан ўтган.
Юрагимни бир бор силаб қўй ўғлим,
Дард нелигин билар, жонидан ўтган.

Тиксўзлик отамга панд берди кўп бор,
Тергадилар уни, қамадилар ҳам.
«Сен отангга лойиқ фарзанд
бўлдингми?»
Ўзимдан ўзим кўп сўрадим, болам.

Менинг изим қани?
Юрагим қақшар...
Ё изим, ё кўзим йўқ ахир мени.
Ортда катта тарих, олдда бир манзил,
Ўғлим, энди бахтга етаклай сени.

Юрак бир ғингшиниб қўйди шу кезда,
Хотирамга оғриқ югурди сим-сим.
Майли мени қўйгин, оёққа қалқсанг,
Бобомни, бобонгни изин топ ўғлим.

1

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 19-aprel, shanba № 47 (22.131).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

САРВИНОЗГА

У тун сокин эди жуда ҳам,
Осмон ўпич олар эди юзимдан.
Бир йиғи сукутнинг пардасин йиртди.
Яна бир гул унди изимдан.

Туннинг кўкси қалқди ҳайратдан,
Бу кеч ой юзида қолмади доғлар.
Мени қутламоққа шошилди бу кеч —
Қондош сингилларим — ой қизғалдоқлар.

Рақиб тиззасига бир титроқ кирди,
Кўксида ҳасади олди аланга.
Бир ўғлим бор эди...
Энди бир қизим...
Мен гердайиб боқдим қари оламга.

Бир қониқиш туйдим юракда,
Бу кўҳна қасрда ўчмайди изим.
Азроил, мен сендан қўрқмайман энди —
Энди ортимда бор, чироқчим — қизим.

* * *

Тақдир алқамади мени тузукроқ,
Тузукроқ қарғиш ҳам этмади насиб.
Агар қарғасайди, топмасдим сени,
Алқаса бўлардим, сенга муносиб.

Топмасам яхшироқ бўларди, балки,
Сени суймас эдим, куймас ҳам эдим.
Ўттизга кирмайин оқ сочли дарвеш,
Манов дунёсидан тўймас ҳам эдим.

Тўғри, Қайс бўлмадим жунун даштида,
Телбавор кезмадим ишқ водийсини.
Машрабдек ғазаллар қила олмадим
Қари муҳаббатнинг талх савдосини.

Лекин ёқавайрон, қишлоқи йигит,
Севганчалик севдим, сени бор гап — шу.
Тақдир жуда маккор тутқазиб қўйди,
Бир қўлимга асо, бирига чолғу.

Асога суяниб йўқловлар айтсам,
Чолғуда чорладим сени кўнглимга.
Йиғиларим сенга эрмаклар бўлди —
Бир назар қилмадинг, далли дилимга.

Энди иккимизнинг йўлимиз айро,
Тақдирни қарғашиб кетамиз эрта.
Барибир дилингда кетаман сени —
Кетасан сен менинг дилимда эркам!

* * *

Сени «бахтсиз бўлсин» деганлар,
Ўзлари бахтлими?
Бир сўра.
Наҳот, сенга ҳамдан бўлмадим,
Наҳот, мен ёмонман қарғишдан кўра?

Тўғри, тўшларимда суйсам ҳам,
Куйсам ҳам айтмадим дардимни.
Менга бошқа ҳеч ким керакмас,
Эгаси — сен, ўзинг — қабримни.

Тўғри, тил учида такрорламадим,
«Сени севаман» деб, тўтиқушлардек.
Сен мени қалбимсан...
Сабрим...
Қабримсан..
Асраб-авайлайман ширин тушлардек.

Баъзан эркалашга бормайди қўлим —
Юрак рашк қилади қўлимдан.
Сени мендан ололмас ғаним —
Ғаним йўқдир бошқа ўлимдан.

Даштдаги қизғалдоқ ўша узганинг,
Гул эмас, ишқингда қонталаш дилим.
Мен сени ўзимдан ўзим рашк қилдим,
Ўша қизғалдоқни...
Авайла, Гулим!

2

Спорт

СИНОВ ОЛДИДАН

Мамлакат олимпия терма жамоаси футболчилари Ҳиндистонда ўтказилган халқаро мусобақада саралаш ўйинларини муваффақиятли якунлаб, финалда Ироқ жамоасига (1:3) ютқазиб, иккинчи ўринни эгаллашди. Мамлакат бош жамоаси эса жаҳон чемпионати саралаш ўйинларига ҳозирланмоқда. Дастлабки учрашув 9 май куни Яман майдонида бўлади. Футболчиларимиз Туркия сафарида имкониятларини чамалаган эдилар. Энди эса Германия сафарига чоғланишмоқда.

КАРПОВ БИЛАН КАСПАРОВ УЧРАШАРМИКАН?

ФИДЕ президенти Кирсан Илюмжинов фикрига қараганда, бу йил жаҳон чемпионати янги йўсинда ташкил этилади. Мусобақалар Голландиянинг Гронинген ва Швейцариянинг Лозанна шаҳарларида ўтиши керак. Мусобақа спорт оламида ўзига хос «сукунат» юзага келган кунлар, яъни 16 декабрдан келаси йилнинг 8 январига қадар давом этади. Мукофот жамғармаси 5 миллион доллар қилиб белгиланган. 70 нафарга яқин шахматчига таклиф йўлланади. Мақсад буюк шахматчилар Карпов билан Каспаров ўртасидаги эски гина-кудуратларга барҳам бериб, муросага келтириш. Бироқ икки шахматчидан бири келишга рози бўлмаса, ўйнайдигани тўғри финалга чиқаверади. Боиси, Карпов билан Каспаровга бир йўла баҳсни ярим финалдан бошлашга рухсат этилган.

ТАЙСОН УЧРАШУВНИ КЕЧИКТИРДИ

Машҳур боксчи Майк Тайсон билан Эвандер Холлифилд ўртасида ўтказиладиган матч-реванш учрашуви кечиктирилди. Баҳс 3 майдан 28 июнга кучирилди. Сабаб Майкнинг чап қовоғидаги жароҳати машқ пайтида янгиланиб қолди. Тайсон бошқатдан чекланган жароҳатини битишини кутмоқда. Рақиби ҳам «сабр қиламиз» маъносида рози бўлиб турибди.

Тошкент автомобиль йўллари институти томонидан 1988 йилда Аннадурди НУРМЕТОВ номига берилган №РВ 859359 рақамли (рўйхат рақами 271) диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

PINAR

Фирмаси муборак

Ийди Қурбон ҳайити муносабати билан барча Ўзбекистон халқини самимий муборакбод этади!

PINAR

Соғлиғингизга фойдали маҳсулотлар таклиф этади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ДОН ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИОНЕРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Бухгалтер-аудиторлик фирмаси 1997 йил апрель ойида очиқ турдаги Тошкент шаҳар дон қабул қилиш ҳиссадорлик жамияти ҳужжатларини таҳлил этиш йўли билан текшириш ўтказди.

Бухгалтерия ҳисоб-китобини олиб бориш усулларига баҳо бериш асосида ўтказилган ушбу текшириш ҳисоботларда қайд этилган қуйидаги маълумотлар тасдиқланди:

1. Моллар сотиш натижаси (иш хизматлари)	17037,1	минг сўм
Шу жумладан қўшимча қиймат солиғи	2896,3	-»-
2. Ишлаб-чиқариш таннархи	14140,8	-»-
3. Келгуси давр сарфлари	8027,1	-»-
4. Молиявий фаолиятдан ташқари бошқа даромадлар	19572,5	-»-
5. Солиқлар тўлагунга қадар умумий молиявий натижа	11545,4	-»-
6. Соф фойда	6034,2	-»-
7. Устав жамғармаси	25946,0	-»-

ТОШКЕНТ ШАҲАР ДОН ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ҲУРМАТЛИ АКЦИОНЕРЛАРИ!

Сизларни 1997 йил 29 апрель куни соат 16.00 да ўтказиладиган акционерларнинг йиғилишига таклиф этамиз.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Кошелев кўчаси, 124-уй.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

(Давоми. Боши 3-бетда).

ган).
00.15 — 00.20 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.55 «Ҳамшаҳарлар».
20.15 «Долзарб репортаж».
20.40 Эълонлар.
20.45 «Инспектор Фрост». Телесериал.
21.35 «02» тўлқинида.
21.50 «Каталог».
22.00 «Коктейль плюс».
22.30 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.00 «Ракурс».
23.30 «Интер-спорт».
23.40 «Океандан океангача».
00.10—00.20 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 25

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Пойтахт концерт залларида.
8.55 «Юзма-юз».
9.15 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Чемпион билан мулоқот».
9.25 «Санъат ғунчалари».
9.50 «Нон таъми».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Меҳр нури». Телеочерк.

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Физика.
11.00 Немис тили.

*

11.30 «Қойилмақом иш». Бадиий фильм.
12.40 Осиё ўйинлари олдидан.
13.00 М. Супонин. «Кел, дўст бўлайлик». Й. Охунбобоев номидаги Ёш томошабинлар театрининг спектакли.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 14.35 «Саҳна ҳаёти». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг актёри Ҳамид Тўхтаев.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Томоша» сумалаги».
18.30 «Йигит омон бўлса».
18.50 «Синфдош».
19.10 Бизнес ҳафта якунлари.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Биламиз-у, аммо...».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VIII сессиясида.
21.30 Дилнавоз садолар.
21.40 «Ривоят».
21.50 «Санъат Нигористони».
22.10 «Эртага — шанба».
22.30 «Морена Клара». Телесериал.
23.15 Жаҳон спорти янгиликлари.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15 — 00.25 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Кўзмунчоқ».
9.20 «Кулги дарғалари». Чарли Чаплин.
9.35 «Дубляж».
9.50 «Жозиба».
10.05 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
10.30 Видео-«О».
12.10 «Спорт қитъаси».
13.00 — 14.30 «Ёлғон». Бадиий фильм. 1-серия.

***

18.00 «Даракчи».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Бор экан-да, йўқ экан...»
18.35 «Камолот».
18.50 «Телевидение ва театр».
19.10 «Ором онлари». Концерт.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Сизлардан ишорат». Мусиқий дастур.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.15 «Кинонигоҳ».
22.45 «Ханда дўкони».
23.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.55 — 00.05 «Даракчи».

III

17.15 Янгиликлар.

*

6.30—8.00, 17.20—20.40 Россия жамоат телевиденеиеси.

*

20.40 «Бухоро зардўзлари». Телефильм.

*

21.00—21.30 Россия давлат телевиденеиеси.

*

21.30 Эълонлар.
21.35 Футбол. Кубок эгалари кубоги. Ярим финал. «Фиорентина» (Италия) — «Барселона» (Испания).
23.25—23.30 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Рангинкамон».
19.55 «Умид чечаклари».
20.25 «Латофат».
20.40 Эълонлар.
20.45 «Инспектор Фрост». Телесериал.
21.35 «Қанотлар».
21.55 «Уй остонадан бошланади».
22.25 «Монитор-Осиё».
22.55 «Шаҳрим — фахрим».
23.25 «Олам ва одам».
23.50 «Баҳорги вернисаж».
00.05—00.15 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 26

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 Эстрада қўшиқлари.
9.05 «Соябон — менинг ҳамроҳим». Мультфильм.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 «Шохруҳ» клуби.

«Ёшлик» студияси намойиш этади:

10.30 «Мулоҳаза, мунозара, муносабат».
11.00 «Таянч».
11.20 «Ҳамроҳ».
11.40 Ю. Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 28-қисм.
12.15 Теннис. Наманган Халқаро турнири.
12.35 «Яшил чироқ». Телемусобақа.
13.20 «Нокдаун». Бадиий фильм.
14.35 — 15.30 «Маънавият» видеоканали.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Совға».
18.20 «Олам».
18.30 «Тараддуд». XII Тошкент Халқаро кинофестивали олдидан.
18.45 «Сиз севган қўшиқ».
19.05 «Ҳайрат».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Олтин мерос». Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
21.30 «Бизнес-академия».
21.50 Рақслар гулдастаси.
22.00 «Азиз сиймолар». Халқ артисти Мукаррама Турғунбоева.
22.20 Диққат, премьера: Ю. Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 29-қисм.

«Тунги ёғду».
Дам олиш дастури:

22.55 «Куй ва тасвир».
23.10 «Катта жанжал». Бадиий фильм.

II

9.00 «Бор экан-да, йўқ экан...»
9.10 «Камолот».
9.35 «Телевидение ва театр».
9.55 «Ором онлари». Концерт.
10.10 «Сизлардан ишорат».
10.40 «Ханда дўкони».
11.00 «Кинонигоҳ».
12.40 «Спорт қитъаси».
13.10 — 14.40 «Ёлғон». Бадиий фильм. 2-серия.

***

18.00 «Даракчи».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Бугуннинг боласи».
18.55 «Кулги дарғалари». Чарли Чаплин.
19.10 «Жозиба».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Олтин кент».
20.10 «Жозиба».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.

«Шанба оқшоми».
Дам олиш дастури.

21.00 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
21.25 «Спорт қитъаси».
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 Жаҳон киноси классикаси. «Том Жонс». Бадиий фильм.
24.00 — 00.10 «Даракчи».

III

17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

17.55—22.05 Россия жамоат телевиденеиеси.

*

22.05 Эълонлар.
22.10 «Қонли тош». Бадиий фильм (АҚШ).
23.35 «Опера шинавандаларига».
00.05—00.20 «Энг Жанубий». Телефильм.

IV

9.00 «Аэробика».
9.20 Кинонинг олтин асри. «Ажабтовур Фауст». Бадиий фильм.
10.50 Эълонлар.
10.55 «Спектаклдан сўнг».
11.20 Шанба эртаги.
12.20 «Учувчи шифокорлар». Телесериал.
13.05 Корейс тилини ўрганамиз.
13.25—14.55 «КВН-97». Мавсумнинг очилиши.

* * *

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Шанба оқшомида».
19.10 Эълонлар.
19.15 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.05 «Рақслар қанотида».
20.35 «5 дақиқа ўзинг учун».
20.40 «Хит-коллекция».
21.00 «Бу ажиб дунё».
21.20 Кинонинг олтин асри. «Палермода юз кун». Бадиий фильм.
22.50 «Оқшом учрашувлари». Ўзбекистон миллий симфоник оркестри.
23.20—23.30 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 27

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.10 «Цирк! Цирк! Цирк!».
9.40 Мультипанорама.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 Ю. Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 29-қисм.
11.35 «Бир ўлка-ки...»
12.00 «Ташриф». Дам олиш дастури.
12.40 Келгуси ҳафтада.
12.55 «Соғинч».
13.05 «Ёлғиз ўзи из қувлади». Бадиий фильм. 2-серия.
14.25 «Мусиқа салтанати».
14.45 Ўзбекистон спорти.
15.00 Эгиз қушиқлар.
15.20 — 15.30 «Тақвим».

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Ҳамёндаги мўъжизалар ёки...»
18.15 «Қотиллик пайида». Бадиий фильм. 7-серия.
19.05 «Пойинтар-сойинтар».
19.15 «Туҳфа».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 Илҳом сатрлари.
20.05 Эгиз қушиқлар.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Маърифатнома». «Зиёратлари қабул бўлсин!»
21.25 «Бу мунис лаҳзалар».
21.45 «Шахс ва бахс».
22.10 Диққат, премьера: Ю. Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 30-қисм.
22.45 «Интер-футбол».
23.10 «Келгуси ҳафтада».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00 XII Тошкент Халқаро кинофестивали олдидан. «Уч қирол жанги». Бадиий фильм. 3—4-сериялар.
01.40 «Тақвим».
01.50 — 02.00 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Боланинг тили...»
9.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.45 Болажонлар экрани.
11.00 «Мухлис-ТВ 2»
11.15 XII Тошкент Халқаро кинофестивали олдидан. «Салом, фестиваль!»
11.25 Дилором наволар.
11.40 Видео-«О».
13.50 — 14.20 «Глобус». Телеальманах.

***

18.00 «Даракчи».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Боланинг тили».
18.30 «Ёрилтош». Мульттўплам.
19.00 «Мухлис-ТВ 2».
19.15 XII Тошкент Халқаро кинофестивали олдидан. «Салом, фестиваль!».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Қонун ҳимоясида».
20.10 Дилором наволар.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.10 Видео-«О».
23.00 «Мафтункор чехралар».
23.20 «Мувозанат» — келгуси ҳафта тақвими.
23.25 «Мухлис-ТВ 2».
23.40 «Даракчи».
23.50 Дастур ниҳояси.

III

16.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
16.55 «Чўртан балиқ амри билан». Мультфильм.

*

17.50—21.35 Россия жамоат телевиденеиеси.

*

21.35 Эълонлар.
21.40 Сан-Ремода эстрада қўшиқлари фестивали.
22.15 «Афоня». Кинокомедия.
23.40—00.05 «Панорама».

IV

9.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
9.30 «Парле ву франсе?»
10.00 «Эртаклларнинг бу сеҳрли олами».
11.40 «Чашма».
12.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
12.20 «Жонли сайёра».
12.40 Киносалон. Оливер Стоуннинг «Взвод» фильми.
14.50 «Фильмлар ва тақдирлар».
15.20 «Афсоналар ва ҳақиқат».
15.55 «Телеташриф».
16.15 «Шу куннинг мавзуси».
16.30 Кундузги сеанс. «Қутқариш командаси». Бадиий фильм.

*

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Менинг кўчам».
19.15 Эълонлар.
19.20 «Яхши дегани нима-ю ёмон дегани нима». Болалар мусиқий дам олиш дастури.
19.40 «Тошкент оқшомида».
20.15 Эълонлар.
20.20 «Иштирок этувчилар».
20.50 «Сенинг вақтинг».
21.10 «Кинопрофи». XII Тошкент Халқаро кинофестивали олдидан.
21.40 Киносалон. Роберт де Ниро ва Дастин «Ёшириниб туриб» фильмида.
24.00—00.10 «Хайрли тун!».

«Ўзбекистон овози»нинг навбатдаги сони 24 апрель, пайшанба куни чиқади.

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Салим АШУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»), Виктор ЗВЕРЕВ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 33-07-20.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир И. ҲАМРО, навбатчи М. АҲМАД.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 33 824 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0211

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 18.30.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА